



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**
**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

**“МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ”ни ташкил этиш
бўйича кафедра фанларидан
бакалавр йуналиши талабалари учун”**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5330400 – “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими”

Фарғона - 2018 й

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарорига асосан тайёрланди.

Услубий кўрсатма Давлат таълим стандартининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” таълим йўналиши (мутахассислиги) учун тайёрланган ва Муҳаммад-ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали Кенгаши томонидан 2018 йил _____даги ____-сонли мажлисида тасдиқланган.

Тузувчилар:

доцент С.М.Абдурахмонов

в.б. доцент И.Ў.Билолов

Тақризчи:

доцент М. Жалилов

Услубий кўрсатма “Ахборот-таълим технологиялари” кафедрасида муҳокама этилган (201__ йил _____ №__-сонли баённома).

“Ахборот-таълим технологиялари”
кафедраси мудири:

_____ С.Абдурахмонов
(имзо)

ТАТУ Фарғона филиали “_____” факультети
Услубий Кенгашида тасдиқланган (201__ йил _____ №__-сонли
баённома).

Телекоммуникация технологиялари ва
касбий таълим факультети декани:

_____ О.Қўлдошев
(имзо)

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

_____ Ш.Умаров
(имзо)

Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарорига мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Талабанинг мустақил иши ўқув режасида “Ахборот-таълим технологиялари кафедраси” фанларидан ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатдан таъминланган, ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

1.3. Ўқув семестри якунида талабанинг мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари фан бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ рейтинг қайдномасида қайд этилади.

II. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади- ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

2.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Фан бўйича янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- Фан бўйича керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;

- Мавзуга тегишли ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- Фан бўйича анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлашга ўргатиш;
- Фан бўйича электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлашга ўргатиш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- Мавзу бўйича берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- мавзу бўйича топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш.

III. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари

3.1.Талаба мустақил ишини ташкил этиш фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- режавий материал қисмини мустақил ўрганиш бўйича қандай маъруза машғулотлари чегарасида бўлса, амалий машғулотларга тайёргарликда ахборотни электрон ўқув адабиётлари, Интернет ва бошқаларни қўллаш;
- фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш;
- тахлилий текшириш олиб бориш вақтида мутахассислар раҳбарлигида янги техника ва асбобларни, илмий технология ва жараёнларни ўрганиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.

3.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

3.3. Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетга мос равишда фан бўйича кафедрада тақдим этилган мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириқлар вариантлари ишлаб чиқилган ва факультет илмий-услубий кенгашида тасдиқланган.

3.4. Мустақил ишни бажариш учун фан бўйича талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

IV. Талаба мустақил ишнинг ахборот таъминоти

4.1. Талаба учун фан бўйича мустақил иш топшириқлари кафедра Фан йўналиши профессори ва доценти томонидан ўқув машғулотларини бевосита олиб боровчи ўқитувчилар билан биргаликда тузилган, ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланган. Талабага берилган топшириқда мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд этилган.

4.2. Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

4.3. Кафедра мудири ва факультет декани тақдимномаси асосида филиал раҳбарияти талабаларга мустақил ишларни бажариш учун филиалнинг ўқув залларида ва талабалар турар жойида замонавий компьютерлар ва Интернет тармоғи, замонавий дарсликлар, электрон дарсликлар, маъруза матнлари, турли илмий-оммабоп журнал манбаларини таъминлаб беради ва фойдаланишга шароит яратади.

V. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш

5.1. Кафедрада фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси (ўқитувчи шахсий иш режасининг ташкилий- услубий бўлимида–, 1540 соат доирасидан) қайд этилган.

5.2. Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузилган ва факультет декани томонидан тасдиқланган консультациялар жадвали асосида амалга оширилади.

5.3. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб боровчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

5.4. Талабанинг мустақил иши учун ажратилган балл ҳисобидан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади. Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича, анъанавий гуруҳ рейтинг ойнасида ва факультетнинг махсус электрон тармоғида ёритиб борилади.

5.6. Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари кафедра томонидан белгиланган ва факультет Илмий кенгашида тасдиқланган. Мустақил ишларни баҳолаш меъзонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиш олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

5.7. Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг баллининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

5.8. Фан бўйча талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғилишида муҳокама этиб борилади.

5.9. Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва 6 ой мобайнида сақланади.

VI. (Мисол учун) «Реал вақт тизимлари» фани бўйича тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

№	Мавзу	Ажратилган соат	Шакли
1	Реал вақт иш тартибида ишлайдиган объектлар турлари	3	Оғзаки
2	Ўлчаш каналининг қурилмалари ва уларнинг кўрсаткичлари	4	Оғзаки
3	Сигналларга ишлов бериш усуллари ва воситалари	3	Оғзаки
4	Сигнал процессорларининг турли архитектуралари	4	Оғзаки
5	Замонавий сигнал процессорларнинг асосий кўрсаткичлари	4	Реферат
6	Бошқариш тизимларида статистик ўлчовлари	4	Оғзаки
7	Ишлов бериш қурилмалари. Компьютерли автоматика	4	Оғзаки
8	Спутник алоқаларида реал вақт тизимлари	4	Оғзаки
9	Реал вақт тизимлари ёрдамида технологик тизимларни бошқаришни ташкил этиш	4	Оғзаки
Жами		34 соат	

VII. Фан учун ажратилган умумий рейтинг баллари тақсимооти

Фанга ажратилган соатларга нисбатан балл ҳисобида	ЖБ1	ОБ1	ЖБ2	ОБ2	ЯБ
100	15	20	15	20	30

Модул асосида машғулот турларига ажратилган рейтинг баллари тақсимооти

Машғулот тури	ЖБ1	ОБ1	ЖБ2	ОБ2	ЯБ
Маъруза		15		15	30
Амалий машғулот	15		15		
Мустақил таълим		5		5	

“Рейтинг” тизимида кўра жорий ва оралиқ баҳолаш жадвали

Фан номи: **“Реал вақт тизимлари”**

Фан учун максимал балл: 100

Ўқиш коэффициенти: 55

Умумий соат: 130

Маъруза: 48

Амалий машғулот: 48

Лаборатория машғулот: 0

Мустақил иш: 34

Баҳола ш турлар и	Машгу- лот тури	Бал улуши	Хафталар																	
			1- модуль									2- модуль								
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
ЖБ 30	Амалий иш	30			5		5				5			5		5		5		
ОБ 40	Маъруза	30									1 5							15		
	Муст.иш	10									5							5		
ЯБ 30	Тест	30																	30	

Рейтинг баллари: 86-100 “5” «баҳо»

71-85 “4” «баҳо»

56-70 “3” «баҳо»

VII. Мустақил таълимни ташкил этилишини аҳамияти.

Таълим оловчиларнинг фаол фикрловчи шахс бўлиши зарурати педагогика фанида аллақачонлар таъкидланган ва бу муаммо қизиқиб ўрганилган. Ж.Ж.Руссо (1712-1778), немис педагоги А.Дистерверг (1790-1866) лар ҳам ўзларининг дидактик таълимотларида таълим оловчи ва талабада мустақил фикрлашни ривожлантириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Улар мустақилликни таълим ва тарбиянинг асосий тамойили деб ҳисоблаганлар. Зеро, Дистервергнинг фикрича, мустақил эгалланган билимлар ва кўникмалар катта аҳамиятга эга. Дистерверг: “Ақлни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Уларни инсон ўзи мустақил ўрганиши,

ўзлаштириши ва қайта ишлаши зарур....”. “Ёмон ўқитувчи тайёр ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса уни топиш йўлини ўргатади”, - деб таъкидлайди.

Замонавий таълим тизими талабага “объект” сифатида эмас балки, “субъект” сифатида ёндашишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида шахснинг билиш ва ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган махсус ташкил этилган мунтазам ўқув фаолияти бўлган мустақил таълимнинг долзарблигини оширмоқда.

Мустақил таълим жараёнида билимлар кенгаяди, чуқурлашади, мукаммаллашади, турли шароитларда улардан фойдаланиш имконини берувчи универсаллик характерига эга бўлади. Мустақил ишлар турли кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, манбалар билан ишлаш, кузатиш ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, тажриба синовларини ўтказиш, тренажёрларда машқлар бажариш ва шу кабилар.

А.С.Лында ва унинг маслакдошлари Таълим оловчиларнинг мустақил ишларини қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатганлар:

- ✓ таълим оловчиларнинг ақлий, иродавий ва жисмоний кучларини талаб этувчи ишлар, мустақил интеллектуал ва амалий фаолиятга қизиқтирувчи ишлар;
- ✓ билиш ёки амалий вазифалар характеридаги ишлар;
- ✓ муаммоли вазиятларни ўзида мужассамлаштирувчи ишлар;
- ✓ қўйилган билиш ва амалий характердаги вазифалар ечимини топишда ижодий ёндашувни талаб этувчи мустақил ишлар;
- ✓ ўз фаолиятини режалаштириш, уни илмий ташкил этиш, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни бажариш, иш натижаларини мақсадига қиёслаб баҳолашни кўзда тутувчи ишлар;
- ✓ мунтазам равишда ишнинг бориши, натижаларни назорат қилиш, керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ва амалга оширишни такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи ишлар;
- ✓ қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришга киришиш, бу ўз навбатида Таълим оловчи шахсини яхлит ривожлантиришга имкон

бериб, ақлий ва амалий фаолият усуллари, ўзи устида ишлаши ва ижодкорликни шаклланишига имкон беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақил ишлар талаба олдида маълум бир таълимий муаммони ҳал қилишни кўяди. Мустақил фикр юритиш жараёни эса, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Мустақил фикр юритиш малакасига эга талаба ностандарт ёки кутилмаган вазиятларда тезкор, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга асос ҳисобланадиган изланувчан ижодий фаолиятни таъминловчи жиҳатларга эга бўлади.

Ҳозирги кунда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича бир қанча ижобий натижаларга эришилган бўлсада, талабалар мустақил ишларини фақатгина керакли бални тўплаш учунгина бажаришмоқда. Албатта, бу ҳолатда ишнинг самараси кузатилмайди.

Талабаларнинг мустақил ишларни бажаришдаги фаоллиги жиддий мотив мавжуд бўлгандагина жадаллашади. Бизга психологиядан маълумки, мотив бирор фаолиятга ёки ҳаракатга ундовчи кучдир.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи мотивларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ташқи мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртидаги натижаларга боғлиқлиги. Афсуски, бу фактор ҳозирча етарлича фойда бермаяпти, лекин секин-асталик билан олий ўқув юртида олинган натижаларга иш берувчилар томонидан қизиқиш ортмоқда.

2. Ички мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртига иштиёқи (ҳаваси) ва унинг имкониятларини танлаган касбига мослиги. Уни ҳар бир абитуриентдан олий ўқув юртига киришгача бўлган вақтда аниқлаш лозим.

3. Таълимий мотив – талабанинг бажарилаётган ишнинг фойдали эканлигини англаб етишида юзага келади. Талабалар бажарилаётган ишнинг муҳимлиги мутахассисликка оид билимларни ошириш, дунёқарашни кенгайтириш касбий тайёргарликни мустаҳкамлашда эканлигини англаб етишлари лозим. Мустақил ишларнинг натижаси маъруза материалларини,

лаборатория, амалий ва семинар машғулотларини яхшироқ тушунишида талабага ёрдам беришини исботлаб бериш лозим.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи таълимий мотивлар:

1. Бажарилаётган ишнинг фойдалиги. Агарда талаба бажараётган ишининг натижаларидан маъруза курсларида, методик қўлланмалар тайёрлашда, лаборатория машғулотларида ва мақолалар тайёрлашда кайсидир микдорда фойдаланса, мустақил ишларни бажаришга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаради ҳамда бажараётган ишларининг сифати ортиши.

2. Талабаларнинг ижодий фаолиятдаги иштироки. Бу талабаларнинг кафедрадаги илмий-тадқиқот, тажрибавий-конструкторлик ёки методик ишларни бажаришдаги иштироки.

3. Ўқув фанлари бўйича олимпиадада, илмий-тадқиқот ёки амалий конкурсларда иштирок этиши.

4. Билимларни назорат қилиш (баҳолаш, рейтинг баллари, тестлар, ностандарт имтиҳон жараёнлари) мотиви. Ушбу мотив маълум вазиятларда талабалар ўртасида мусобақалашиб жараёнинини вужудга келтиради.

5. Талабаларни таълим жараёнидаги муваффақиятлари ва ижодий фаоллиги учун рағбатлантириш (стипендия, мукофотлар, рағбатлантирувчи баллар) ёки ёмон ўқиганликлари учун жазолаш.

6. Аудиторияда ва ундан ташқарида бажариладиган мустақил ишларни индивидуал бажаришга эришиш ҳамда уларни доимий равишда янгилаб туриш.

7. Мустақил ишларни бажариш ва ўқув жараёнида ўқитувчи шахси асосий мотивлардан ҳисобланади. Ўқитувчи мутахассис ҳамда ижодий шахс сифатида талаба учун намуна бўлиши лозим. У талабага ижодий имкониятларини намоён қилишида кўмаклашиши лозим.

Мустақил ишлар мустақил фаолият юритиш малакасига эга мутахассисни тайёрлашда кўмаклашади. Мустақил фаолият юритиш

сифатига эга мутахассис фақатгина кўрсатмаларга биноан фаолият кўрсатувчи оддий ижрочи эмас, балки, масалалар ечимига ижодий ёндашиб, янгиликлар яратувчилик қобилиятига эга бўлади.

Мустақил билим олишда автономлик – ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан, ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ, автономлик хусусияти кўзга ташланмаса, бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик - ўз моҳиятига кўра мустақил билим олишдан фарқ қилади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик масалаларнинг турли вариантларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ.

Мустақил билим олиш назарияси ва технологияда ҳам педагогик тамойиллар асосий ролни ўйнайди. Мустақил билим олаётган субъектни таълим жараёнида ҳеч ким ўқишга мажбур этмаслиги муҳимдир.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни ижодий фаолиятини ташкил этишга ундайди ва шу билан унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик Таълим олувчини мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади.

Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутаяди. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил

билим олишнинг мақсади эса касбий шаклланиш ёки касбий маҳоратни ўстириш ҳисобланади.

Мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йуналишларни ўзлаштириши паст даражали ва кониқарсиз бўлган Таълим олувчилар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутди. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам Таълим олувчини мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтиради.

Таълим олувчининг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Лекин ҳамма Таълим олувчилар ҳам ўқитувчи иштирокисиз мустақил изланади деб айтолмаймиз. Чунки Таълим олувчиларнинг аксариятида ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги уларнинг мустақил билим олишларига тўсқинлик қилади. Шундай экан, Таълим олувчиларнинг ўзига бўлган ишончини, ошириш учун мустақил таълимни якка ҳолда эмас балки кичик гуруҳ шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Халқимизда “Бирлашган ўзар - бирлашмаган тўзар”, “Куч бирликда” мақоллар бежиз ишлатилмаган. Гуруҳ ишини лупага тенглаштиришимиз мумкин. Агар лупа қимирлатмасдан бир томонга йўналтириб турилса оддий қуёш шуълаларидан аланга ҳосил қилиш мумкин, якка ҳолда қуёш шуъласи алангани ҳосил қилиши қийин. Шундай экан, Таълим олувчиларни мана шу тарзда бирлаштириб маълум бир йўналишга йўналтирсак, мавжуд муаммолар бартараф этилади ва кўзланган мақсадга осонлик билан эришилади.

“Кичик гуруҳ”ларда мустақил таълимни ташкил қилиш ҳозирда Таълим олувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Ҳозирда Таълим олувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги муаммолар қуйидагилар: вазифаларни ҳамма Таълим олувчиларнинг бажармаслиги; Таълим олувчиларда ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги; Таълим олувчилар нутқ маданиятининг яхши ривожланмагани; Таълим олувчиларни баҳолашда вақтнинг етишмаслиги;

Таълим олувчилар орасида илмий мулоқотнинг йўқлиги; фанга бўлган қизиқишнинг сустлиги; Таълим олувчиларга топшириқ берилаётганда темперамент хусусиятларига этибор қаратилмаслиги ва яна бошқа бир қанча муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун “Кичик гуруҳ”ларда мустақил таълимни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Кичик гуруҳ”ларда мустақил таълимни қандай ташкил қилишни қуйидагича амалга ошириш мумкин. Таълим олувчилар 3 гуруҳга ажратилади, ҳар бир гуруҳда билим доираси турлича бўлган Таълим олувчилар бўлиши шарт. Гуруҳларга ўзининг лидерлик қобилияти, билими юқори Таълим олувчилардан сардорлар тайинланади ва бирор мавзуга мустақил тайёрланиб шу мавзунинг ёритиб бериш сўралади.

Ҳар бир Таълим олувчида нимагадир қизиқиш ва қайсидир қобилият яхши ривожланган бўлади. Бу қизиқишларининг ўқитувчидан кўра ўзининг курсдошлари яхшироқ билади. Сардор ҳар бир Таълим олувчига билим доирасига қараб топшириқлар беради. Ҳаттоки энг дангаса Таълим олувчи ҳам гуруҳ билан ишлаганда фанга бўлган қизиқиши ортади. Кичик гуруҳ билан ишлашда сардор зиммасида барча Таълим олувчиларнинг қизиқишлари ва билим даражасининг билиши ва вазифаларни тақсимлаши лозим. Мустақил ишни бундай олиб борилиши натижасида бир қанча ютуқларга эришиш мумкин, яъни бу жараёнга барча Таълим олувчиларнинг жалб этилиши, Таълим олувчиларнинг ўз қизиқишлари орқали фанга олиб кириш ва фанга бўлган қизиқишининг орттирилиши, вақтни тежаш имконияти, қисқа вақт ичида тенгқурлари билан ахборот алмашиш йўли билан билимга эга бўлиши, Таълим олувчиларнинг ўзига бўлган ишончининг ортиши, ўз—ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имкониятининг мавжуд бўлиши, жамоа билан ишлашни ўрганиши, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши, муомала маданиятининг ривожланиши, жавобгарлик ҳиссининг кучайиши, ҳар бир Таълим олувчи ўзининг қобилиятининг намоён қила олиши.

Мустақиллик - шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби хусусиятлар бирлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. wiki.mpedagog.ru/talabalar-mustail-fikrlashini-faollashtirish.
2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14август 286 сонли буйруғига1-илова
3. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА
4. С.Э.Умиров, Б.Ю.Тошбоев, Ш.М.Расулов, А.Ю.Мустанов. Тошкент-2012. Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Н И З О М И.услубий кўрсатма.5 бет
5. Ганс-Дитер Хопфнер. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. КҲК лари учун ўқув қўлланма. Ўзбекистон-Швецария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси. — Тошкент, 2009 йил.
6. Нажмиддинова Ҳ. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида ўзлаштириш самарадорлигига эришиш. Таълим муам- молари. 2009 йил, 2-сон.
7. Отамирзаев О. У., Зокирова Д.Н., Вахобова С.К. Методические рекомендации по организации самостоятельной ра- боты студентов. // International Scientific Journal. —2016. — № 4.
4. Отамирзаев О. У., Зокирова Д.Н., Вахобова С.К. Использование интерактивных методов при преподавании электро- техники. // Science Time. — 2016. — № 2 (26).